

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

## **НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИДА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Sultanov Khaytboy Eralievich

Teacher, Chirchik state pedagogical institute, Tashkent, Uzbekistan

E-mail: xayitsultanov@gmail.com

### **Аннотация:**

Мақолада илғор технологиялар ва меҳнат бозори талаблари олшиши туфайли юзага келган вазиятда Олий таълимда чуқур фундаментал билимларга эга бўлган мутахассис тайёрлаш масалалари, кластер ёндашуви асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси учун шароит яратиш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида ташкил этилган “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази” фаолияти ҳакида гап боради. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнида назарий билимлар ва амалиёт уйғунлигига қаратилган интерфаол таълим технологияларини қўллашнинг аҳамияти ёритиб берилади.

**Калит сўзлар:** тасвирий санъат, амалий санъат, дизайн, илмий-тадқиқот маркази, кластер ёндашуви, Устоз - шогирд, иқтидорли талаба, ижодкорлик, ҳамкорлик.

### **Кириш**

Республикамизда илғор технологиялар ва чет эл инвестициялари кириб келиши билан барча соҳаларда меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Бундай шароитда Олий таълимда чуқур фундаментал билимларга эга бўлган ва илмий-тадқиқот ишларини юқори савияда бажара оладиган ва муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга илмий-амалий муаммоларни еча олишга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ўта доззарб вазифалардан ҳисобланади.

2020 йил 29 октябрь куни мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017-

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ давлатимиз раҳбарининг “Илм-фанни 30 йилгача ривожлантириш косцепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Олий таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш асосий масалалардан бирига айланди. Яъни, ҳар бир олий ўқув юрти ишлаб чиқариш билан, тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба ва инновацион марказлар билан боғланиши, ҳамкорлик қилиши кўзда тутилган. Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш<sup>1</sup>да айнан Олий таълим тизимига жуда катта маъсулият юкланди. Бошқача айтганда, олий таълим тизими сифат жиҳатидан тубдан ўзгариши лозимлиги бугунги давр талаби эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ушбу масалаларнинг асосий ечими илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртинчи саноат инқилоби даврида халқаро рақобатбардошлиқка эришиш, тўпланган институционал муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек глобаллашув туфайли юзага келаётган баҳсли масалаларни ҳал қилишдан иборат бўлиши лозим. Ёшлардаги ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш орқалигина турли муаммоларнинг ечимини топишга қодир бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мумкин. Бу масалада В.А. Сластенин шахсий ижодкорликни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифалари деб қуйидагича белгилайди:

- ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;
- педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаш турниш;
- самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;
- ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши орқали шахсий ривожланишни таъминлаш<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармони

<sup>2</sup> Сластенин А.А. Профессионализм учителя как явление педагогической культуры. // “Педагогическое образование и наука”. 2004, № 5.

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

Демак, таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усул бу – фаол таълим бериш усули ҳисобланиб, ўқувчиларни ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида фаол фикрлаш ва амалиётга ундейдиган усуллардир. Фаол таълим жараёни ўқувчилар томонидан фаол ақлий ва амалий фаолият жараёнида билим ва кўникмаларни мустақил равишда ўзлаштиришга қаратилган бундай усуллар тизимидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Тасвирий санъатда сухбат, баҳс, лойиҳалар усули, муаммоли усул, ақлий ҳужум, ижодий устахона ва компьютер технологиялари орқали тақдимотлар яратиш энг кўп тарқалган ва алоҳида хусусиятга эга бўлган таълим усуллари дидир.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш ва илмий-ижодий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун ижодий муҳит яратиш ҳам машғулотларнинг фаол шаклларидан бири ҳисобланади. Устоз-шогирд тизимиға асосланган бу жараёнда талабалар ва ўқитувчининг фаол ўзаро таъсири, улар ўртасида жонли фикр алмашишга ёрдам беради.

Мана шундай муаммолар ечимиға қаратилган Чирчиқ давлат педагогика институти ректорининг 2021 йил 5 июлдаги “Институтда илмий салоҳиятни ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш тўғрисида”ги № 01-180 – сонли буйруғи асосида тасвирий санъат кафедрасида “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази” ташкил этилди.

Ушбу марказнинг асосий мақсади этиб қуидагилар белгиланган:

- кластер ёндашуви асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси учун шароит яратиш;
- назарий билимларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган “Устоз-шогирд” тизими орқали, педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини тезлаштириш;
- ўқув жараёни ва ижодий машғулотларда талабаларни мустақил билим олишга рағбатлантириш, креатив фикрлаш, ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш;
- замонга мослашувчан, “экстра класс” мутахассислар тайёрлаш;
- кластер ёндашувига асосланган ўқув-амалиёт жараёнида ўқитувчи-талаба-ўқувчи ўртасида “тескари алоқа”ни ўрнатиш, “ўзаро таъсир кучи”ни пайдо қилиш;
- илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётда синааб кўриш механизмини яратиш;
- ҳамкорликдаги фаолият орқали ўқувчиларни педагоглик касбига қизиқтириш, талабаларда ўзи танлаган касби, устозлик маъсулияти ҳақидаги

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

тасаввурларини бойитиш, мактабда касбий фаолиятга муваффақиятли мослашиш имкониятини яратиш;

➤ таълим кластери бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтиришдан иборат.

“Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази”нинг вазифалари:

- ўқув жараёнини ижодкорлик ва тадбиркорлик фаолияти билан интеграциялашга хизмат қиласди;

- фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлашда асосий механизм сифатида ишлайди;

- таълим сифатини ошириш, рақобатбардошликка эришиш жараёнида талабаларнинг бевосита иштирокини таъминлади;

- талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш, ўқувчилар билан ишлашга мослашувчанлик, ижодкорлик кўнималарини шакллантиришга ёрдам беради;

- кафедрада ташкил этилган илмий ва ижодий тўгараклар фаолиятини самарали машғулотга айлантиради, барча илмий ва ижодий жараённи умумлаштириб, таълимга кластер ёндашувида талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаб беради.

- талабалар ижодий ишларидан кўргазмалар уюштиради, турли тасвирий ва амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқаради, пуллик хизматлар кўрсатиш каби тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади.

- ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини билим олиш, хунар эгаллаш, жамоада ишлаш, ташкилотчиликка йўналтириш орқали касбий фаолиятга тайёрлашга ёрдам беради;

- замонавий фанлар интеграциясига асосланган СТЕАМ таълимини амалиётга жорий этишга хизмат қиласди;

- ўқувчи-ёшлар истеъодини рағбатлантириш орқали уларни фан, таълимтарбия, бадиий ижод ва бунёдкорлик соҳасидаги ташаббус ва ғояларини қўллаб-куватлайди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб ушбу марказ қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- ✓ тасвирий санъат (академик рангтасвир, тасвирий санъат композицияси, миниатюра, амалий санъат фанлари), амалий санъат, ҳайкалтарошлиқ бўйича ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш;

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

- ✓ мактаблар билан таълим кластери ҳамкорлиги доирасида ўқувчилар ва талабалар ўртасида ҳар хил тадбирлар, ижодий танловлар ўтказиш;
- ✓ мактаб ўқитувчилари, истеъододли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, “Тасвирий санъат таъзимида кластер ёндашуви ва ўқитиш технологиялари” мавзусида илмий-тадқиқот иши бўйича тажриба-синов ишларини олиб боришни йўлга қўйиш;
- ✓ ҳудуддаги иш билан банд бўлмаган ёшлар, талаба ва ўқувчилар учун пуллик тайёрлов курслари, қўшимча-касб ҳунарга ўргатиш курслари, тўгараклар, таълим ва бошқа муассасалар буюртмаси асосида бадиий безак, дизайн соҳаларида шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатиш ҳамда ўқув-амалиёт марказида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш;

Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-тадқиқот маркази”да кластер ёндашуви орқали назарий билимлар амалиётга татбиқ этилади. Бу жараёнда талаба ва ўқувчилар мустақил изланади, фикрлайди ва ижодий тафаккури ривожланади. Шунингдек, талабалардаги ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, устозлар, тенгдошлари ва ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш каби ҳислатлар такомиллашади. Таълим тизимида муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришилади. Энг муҳими, ўқувчи-талабаларни муайян билимлар соҳасини эгаллашга йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини холис баҳолаш имконини беради. Назарий билимлар ва амалиёт уйғунлигига қаратилган интерфаол таълим технологияларини ўқитиш жараёнида кўллаш натижасида қуйидаги ижобий натижаларга эришилади:

- Таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчиси меҳнатига қараб рағбатлантирилади.
- Мутахассислиги бўйича касбий кўникмаларни эгаллаш, педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини тезлаштиради;
- Ҳар бир талабанинг ижодий малака ва касбий кўникмаларига ижобий таъсир кўрсатади.
- Талабаларни мустақил фаолиятга тайёрлайди, ижодий фикрлашга ўргатади;

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

- Турли вазиятларга тез мослашувчан, “экстра класс” келажак ўқитувчили бўлган мутахассислар тайёрлашга олиб келади, улардаги ҳаётий зарур кўникма ва малакалар шаклланади;
- “Устоз-шогирд” тизимини яратиш орқали ўқитувчи-талаба-ўқувчи ўртасида “тескари алоқа”ни ўрнатилиб, олдинга ҳаракат қилиш учун “ўзаро таъсир кучи” пайдо бўлади;
- Таълим кластери ҳамкорлиги жараёнида фаол иштирок этган талabalар илмий-тадқиқот ишларига жалб қилинади;
- Олган билимларини амалиётда қўллай олиш компетенциялари ривожлантирилади;
- Ҳамкорликдаги фаолият орқали ўқувчиларни педагоглик касбига қизиқтирилади, талabalardagi ўзи танлаган касби, устозлик маъсулияти ҳақидаги тасаввурлари бойитилади, мактабдаги касбий фаолиятга мослашиб боради, ўзлигини исботлашда мустақил ҳаракат қилиш, ижодий фикрлашнинг қанчалик аҳамиятлигини англаб етади;
- ўқувчи ва талabalarda мустақил фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга етказа олиш қобилияти такомиллашади;
- Талabalarning хулқ-атворида ижобий фазилатлар шаклланиб боришини таъминлайди;
- ўқув жараёни ва тўгараклар фаолияти орқали маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, талаба-ёшлардаги тадбиркорлик кўникмалари шаклланади.

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармони
2. Сластенин А.А. Профессионализм учителя как явление педагогической культуры “Педагогическое образование и наука”. 2004, № 5.
3. SH Eraliyevich Shaping Students’ Spiritual Worldviews Through Fine Arts. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(05), 79-86.
4. Doston Abduvoitovich Berdiyev Maktablarda tasviriy sanъat fanini oʻqitishda kelajak taъlimi steam interaktiv taъlimini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

- 
5. Laylo Mirsoatova Use of innovative methods in the development of students' creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN –2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;
  6. ХЭ Султанов, К Юнусова, М Маматқурова Ҳамкорликнинг “отм–мактаб” шакли таълим кластери йўналишидаги ягона тизим - Academic research in educational sciences, CSPI conference 1 Том 2 - 2021: - стр.249-254
  7. Султанов Х.Э. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда кўргазма ва танловларнинг ўрни/ Педагогика илмий-назарий ва методик журнал//Т.: №!, - 2016. Б. -116.
  8. Sultanov Kh.E., Marasulova I..M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6588.
  9. Султанов Х.Э, Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitatio/- Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3876.
  10. Mirsoatova L. USE OF INNOVATIVE METHODS IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS'CREATIVE ABILITIES //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2022. – Т. 3. – №. 01. – С. 45-49.
  11. Sultanov K. E. Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 2. – С. 585-593.
  12. Sultanov Kh.E., Sobirov S.T., Marasulova I.M. Theoretical basis of cluster approach in fine arts education / Journal of Critical Reviews// Vol 7, Issue 9, 2020: - p 109.;
  13. Sultanov X.E., Ataxanova, S.O., Xalilov R.Sh. The importance of exhibitions and competitions in organizing fine art clubs in schools. (2020) /Journal of Critical Reviews, 7 (15), 2519-2523. doi:10.31838/jcr.07.15.336
  14. Султанов Х. Э., Мирсоатова Л. У. МЕХАНИЗМ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СФЕРЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1240-1247.
  15. Б.Б. Байметов, Х.Э. Султанов, Х.Х. Муратов. Психологические основы активизации творческих способностей студентов в процессе практических занятий. Вестник науки, 2019.том-1, номер 7. стр. 67-71.

# **International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science**

Hosted Online from Vienna, Austria  
on October 20<sup>th</sup>, 2022.

[www.conferencepublication.com](http://www.conferencepublication.com)

16. Haytboy Eralievich Sultanov, Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation// - Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3872-3877.
17. Sultanov H.E, Marasulova I.M, Yunusova K.H. Training cluster cooperation and preliminary results /2th International Multidisciplinary Scientific Conference on Ingenious Global Thoughts Hosted from Berlin, Germany// April 30th 2021: - p 224-228;
18. Hayitboy Eraliyevich Sultanov, Shaping Students' Spiritual Worldviews Through Fine Arts /The American Journal of Social Science and Education Innovations// Volume 3 Issue 05, 2021 - p. 79-86.
19. ХЭ Султанов PRACTICAL APPLICATION OF THE INNOVATIVE PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER /Современное образование (Узбекистан), №5, - 2021; -ст. 47-52.
20. Sultanov, H. Je., & Zulfiev, R. N. (2020). Perspektivy innovacionnogo klastera pedagogicheskogo obrazovanija v oblasti izobrazitel'nogo iskusstva [Prospects for an innovative cluster of pedagogical education in the field of fine arts.]. Science and Education, 1(9). (in Russian).
21. Султанов Х. Э. PRACTICAL APPLICATION OF THE INNOVATIVE PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER //Современное образование (Узбекистан). – 2021. – №. 5. – С. 47-52.
22. Sultanov Kh.E., Marasulova I..M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6586-6591.
23. Султанов, Х. Э., Марасулова, И. М., Махмудов, М. Ж., & Бахриев, И. С. (2020). На пути совершенствования изобразительного искусства в непрерывном образовании: из опыта работы. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 231-237.
24. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида педагогик таълим инновацион кластернинг зарурияти /“Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнали// № 8, 2020. -16- 23 б.
25. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // “Молодой учёный”, научный журнал, №4 2016. С. 833;
26. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўкувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (тасвирий санъат дарслари мисодида). // “Замонавий таълим” илмий-оммабоп журнали, №4, 2016. -14 б.